УзССР Давлат кутубхонаси
Инв. №
Гос. книжная палата
03 НОЯ 1987

УЛУҒ ОКТЯБРГА ШОН-ШАРАФЛАР!

Бугун Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси очилди

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 248 (6. 439) ◉ 1987 йил 2 ноябрь, душанба ◉ Баҳоси 3 тийин

Ягона қардошлик оиласида

Куйлайман шаънингни эй, она-Ватан, куйлайман сени мен ҳур республикам!

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси



Биз туғилган еримизни юрт деймиз, диёр деймиз, ўлка деймиз, Ватан деймиз. Бу тушунчаларнинг ҳар бири дунё сингари кенг, осмон сингари бепоён. Бу тушунчаларнинг ҳар бирида инсонлар бахт-саодатининг мужассам мазмунлари ўз ифодасини топган. Ёруғ кунда ҳам, оғир кунда ҳам биз Ватан сўзига мурожаат қиламиз. Бу қутлуғ сўз она сўзи сингари қадимий, она сўзи сингари азиз ва мўътабар.

Республикамизнинг ўтган 70 йиллик муддат давомида босиб ўтган йўли, бу юртда амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар, зафар ва марраларни асрлар зулматини титиб ҳам топиш мушкул. Ғафур Ғулом айтганидек, республикамиз Улуғ Октябрь шарофати туфайли «Асрлар тақдирини лаҳзаларда ҳал» этди. Биз бугунги ҳаётимизнинг суръатини космик парвозларга қиёс айлаймиз. Республика пойтахти Тошкент шаҳрининг тенгсиз проспектлари, равон кўчалари гўёки кўнгил ришталарини эслатади. Бу шаҳарда фарзандлар туғилади, ҳовлиларда тўйлар бўлади, бахт-саодат деган тушунчалар келинчакларга гулдасталар тақдим этади. Қийқираётган болакай юзидаги табассум моҳиятига эришишимиз учун ҳам жуда кўп узоқ йўллар босиб ўтдик. Бу йўллар бизни истиқбол деган нурафшон манзилга элтади.

⊙ Ўзбекистон ССР ва унинг пойтахти Тошкент шаҳрига бағишланган бошқа материалларни газетанинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз.



СУРАТЛАРДА: бугунги Тошкент.

Абдулла ОРИПОВ,

Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати.

МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ

Мен нечун севаман Ўзбекистонни
Тупроғини кўзимга айлаб тўтиё.
Нечун Ватан дея еру осмонни,
Муқаддас атайман, атайман танҳо.
Аслида, дунёда танҳо нима бор,
Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?
Ёки қуёшими севгимга сабаб?
Ахир қуёшли-ку бутун Осиё.
Мен нечун севаман Ўзбекистонни?
Боғларин жаннат деб кўз-кўз этаман,
Нечун ардоқларкан тупроғини мен
Ўпаман: «Тупроғинг бебаҳо, Ватан!»
Аслида тупроқни одил табиат
Тақсим айлаган-ку ер юзига тенг.
Нечун бу тупроқ деб йиғлади Фурқат,
О, Қашқар тупроғи, қашшоқмидинг сен?!
Хўш, нечун севаман Ўзбекистонни,
Сабабини айтгин десалар менга,
Шонрона, гўзал сўзлардан олдин
Мен таъзим қиламан она халқимга.
Халқим, тарих ҳукми сени агарда
Мангу музликларга элтган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?
Ватанлар, Ватанлар,
Майли, гулласин,
Боғ унсин мангулик музда ҳам, аммо
Юртим, сени фақат бойликларинг-чун
Севган фарзанд бўлса, кечирма асло!

Замондошимиз



Партия ветерани

Биз бугунги бахтли-саодатли ёруғ кунларда, шонли Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги арафасида Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун оташин курашчилар номини бот-бот эсга оламиз. Кекса коммунистларнинг мамлакатимизда социалистик қурилиш жараёнида амалга оширган ишлари, янги ҳаёт учун фидокорона курашлари ҳақида тўлиб-тошиб гапирамиз. Қалбининг бутун қўрини, ғайрат-шижоатини, бутун умрини Улуғ Октябрь тантанасига, социалистик қурилишга бағишлаган кишилар оз эмас. Фақат Тошкентнинг ўзидагина бундай оташин коммунистлар мингдан зиёддир.

1918 йилдан КПСС аъзоси Нишон Ризаев ана шулардан биридир. У Улуғ Октябрь социалистик революцияси ветерани, гражданлар урушининг қатнашчиси, Оспион исёнини бостириш, босмачиларга қарши кураш иштирокчисидир. Республикамизда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш йўлида у катта жасорат ва матонат кўрсатиб ишлади.

Республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев, атоқли саркарда Михаил Васильевич Фрунзе ва бошқа арбоблар замондоши бўлган, улар билан бир сафда партия ва халқ иши учун астойдил жон куйдирган Нишон Ризаев мана шу бахтли ҳаёт қанчалик оғир курашлар, не-не машаққатлар эвазига келганлиги ҳақида мазмундор ҳикоя қилади.

Табаррук отахон ҳозир ўзининг 90 йиллиги арафасида турибди. 90 йил! Бу айтишгагина осон. Бу умр саҳифаларига қанчадан-қанча жанговар ишлар битилмаган, дейсиз! Кекса коммунист не-не кураш жабҳаларида чиниқди, донмо ҳаёт илгари сурган вазифаларни вақтида илғаб олди, уларга ҳозиржавоблик билан жавоб беришга интилди. Отахоннинг нуроний чеҳраси, маъноли кўзларидан ҳамон бугунги куннинг қувонч ва ташвишлари, қайта қуриш ва жадаллаштириш ишлари ҳам бунёдкорликка ва тинчликни мустаҳкамлашга қаратилганини яққол сезасиз.

СУРАТДА: 1918 йилдан КПСС аъзоси Нишон Ризаев.

Т. Каримов фотоси.

Зарбдор қурилиш одимлари

Янги участка ишга туширилиш арафасида

Тошкент метросининг янги участкаси — «Ташсельмаш» ва «Чкаловская» станцияларини ишга туширилишига саноқли кунлар қолди. Қурилиш ишлари ниҳоясига етмоқда, ускуналар созланмоқда. Метросозлар 3,6 километр узунликдаги йўлни 7 ноябрда топшириш мажбуриятини олдилар. Ана шу йўлда байрам куни поездлар қатнови бошланади.

Ер остида бир дақиқа ҳам ишлар тўхтамасдан давом этмоқда. Ташқарида ҳам ободонлаштириш ишлари тугалланмоқда. Транспортнинг тезюрар, ишончли, қулай тури бўлган Тошкент метросининг шуҳратини сақлаб қолиш учун ҳамма ишлар қилинишин лозим.

«Ташсельмаш» станциясида ҳали ҳамма қурилиш чиқитлари ташиб кетилмаган. Лекин унинг қандай бўлишини ҳозирданоқ тасаввур қилиш мумкин. Энг аввало бу станция ҳозир ишлаб турган метро станцияларининг бирортасига ўхшамайди. Ярим доира шаклидаги гумбазлар остига чиройли ферузаранг қандиллар жойлаштирилган. «Чкаловская» станциясининг чиқиш йўлкаларидан бири эса тўппа-тўғри авиазавод территориясига олиб боради. Самолётсозлар метродан тушадилару, рухсатномаларини кўрсатиб, заводларига кириб кетаверадилар.

Янги станцияларда одамлар ишга қабул қилиниб бўлди, деб хабар беришди «Ташметрополитен»да. Улар янги иш жойини ўзлаштирмоқдалар. Йўловчиларни қабул қилишга тайёргарлик кўриб, созловчиларга ёрдам бермоқдалар. Бошқарма ишга қўшимча одамлар олиш ҳақида эълон қилиб ўтирмади: Тошкент метрополитени йил бошида белоруссияликларнинг методи асосида ишлашга ўтган эди. Ишчи ўринларини аттестациядан ўтказиш, янги техниканн жорий этиш туфайли 300 га яқин киши бўшатиб олинди. Худди ана шу кишилар резерв кадрлардир.

Янги станцияларда кўплаб замонавий техника ўрнатилган. Масалан, «Лисна» телесистемаси ёрдамида барча инженерлик-техник қурилмаларни ва қўшма тортиш кучлари кичик станцияларини бошқариш марказлаштирилган. Илк бор махсус роторли намлагич қурилмалар — ер ости учун ўзига хос кондиционерлар ҳам ўрнатилган.

Йўловчилар ёз ойлари метро қай даражада салқин бўлишини яхши биладилар. Лекин ҳамма ҳам бу салқин «воҳа» қай даражада қимматга тушишини билмайди. Янгилик аввалги совутгич камераларга нисбатан тежамлилиги билан ажралиб туради.

«Ташсельмаш» станциясида ишлар қизғин кетяпти. Метросозлар октябрь байрамига яхши совға тайёрламоқдалар. Биринчи ва иккинчи қурилиш-монтаж бошқармалари 2-тоннель отряди коллективлари кеча-ю кундуз меҳнат қилмоқдалар.

Янги қурилиш қаҳрамонлари ҳақида, афсуски, батафсилроқ ҳикоя қилиб беролмаймиз. «Ташметрострой» трести бош инженери В. Жданов «Раҳбарларингиздан менинг интервью беришимни сўраб ёзилган хатни олиб келсангиз, бемалол гаплашаверардик»,—деб айтди.

Редакция бундай хатларни ҳеч қачон ёзган эмас ва ёзмайди ҳам. Шундай бўлсада, биз метросозларга ана шу икки ажойиб станция учун тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари номидан миннатдорчилик билдирмоқчимиз. Бу станциялар 7 ноябрь куни иш бошлаши, шубҳасиз. Айтилган сабабга кўра, трестнинг номлари тилга олинмаган, энг яхши кишилари бутун куч ва ғайратларини ана шу ишга сафарбар этганлар.

Б. ҲАСАНОВ,
ЎзТАГ мухбири.



«ОҚ ОЛТИН»— ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 31 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун мавсум бошидан буён.

Хоразм	0,64	79,24
Бухоро	0,88	77,51
Сурхондарё	0,29	73,81
Тошкент	0,14	69,49
ҚҚАССР	0,83	68,10
Жиззах	0,43	65,12
Сирдарё	0,28	63,29
Фарғона	0,07	62,52
Наманган	0,04	54,31
Қашқадарё	0,53	53,04
Андижон	0,04	49,73
Навоий	0,66	48,14
Самарқанд	0,40	45,39
Республика бўйича:	0,37	62,32

Биз ҳаммамиз пахтакормиз

ОЛИМЛАР УЛУШИ

Шаҳримиздаги корхоналар, муассасаларнинг ходимлари ҳозирги вақтда ўз ўринларини пахтасорда деб билиб, Тошкент, Сирдарё, ва Жиззах областлари пахтакорларига яқиндан ёрдам беришмоқда. А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти ходимлари Сирдарё областининг, Ильич районидаги «Правда» совхози далаларида пахта теришяпти.

Филология фанлари кандидати Э. Панасенко, ходимлардан Н. Жиянова, Р. Жононов, О. Искандарова, Ғ. Тожибоев ва бошқалар шу кунгача 900—1100 килограммдан «оқ олтин» териб, топширишди. Ёш тилшунослар билан бир қаторда институтнинг ветеран ходимлари, филология фанлари кандидатлари Қ. Муҳаммаджонов, Б. Бафоев, Х. Қудратуллаевлар хирмонга кунда 40—45 килограммдан пахта тўкишмоқда.

— Тилшунос олимлар пахта далаларимизда фидокорона меҳнат қилишмоқда, — дейди совхознинг еттинчи бўлими бошлиғи Лапас Юсупов. — Уларнинг шу кунгача уйган «оқ олтин» хирмонлари 170 тоннадан ошиб кетди.

Шунисн қувончлики, институт Ўзбекистон ССР Фанлар академияси институтлари ўртасида биринчи ўринга эгаллаб, совхознинг пул мукофотига сазовор бўлди. Олимлар инқилобнинг қутлуғ шодиёнасини муносиб совға билан кутиб олишга тараддуд кўришмоқда.

Дилшод ЖАЛОЛОВ,
Сабоҳиддин МАМАЖОНОВ.

Об-ҳаво ва саломатлик

2—8 НОЯБРГА

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг директори, медицина фанлари докторн, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби Н. М. Мажидов тақрири остида.

Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказининг маълумотларига кўра, ҳафтанинг биринчи ярмида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 2-7, кундузи 14-19 даража иссиқ бўлади.

Ҳафтанинг иккинчи ярмида ҳаводе булут кўпаяди, ёмғир ёғади, гарбдан секундига 15-20 метргача тезлик билан шамол эсиши мумкин. Ҳафта охирига бориб ҳарорат пасаяди.

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг медицина метеорологик маълумотлари ва метеорологик профилактика маркази мутахассисларининг фикрига кўра, ҳафтанинг иккинчи ярмида ёғингарчилик бўлиши, атмосфера босимининг тебраниши, ҳароратнинг пасайиши беморларни уничалик безовта қилмайди. Бундай об-ҳаво юрак, томир ва мия хасталикларига чалинган, об-ҳаво пасайганда ўзини нохуш сезадиган беморларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай пайтда уларнинг эти увишади, уйқуси бузилади, боши оғрийди ва айланади, жароҳатланган икки аъзоларда спастик характердаги оғриқ сезадилар. Нафас олиш аъзоларида ҳам енгил безовталик юз бериши мумкин. Қон босимига чалинган беморларда қон босими ошади ва бош мия томирлари зўриқади.

Юрак-томир хасталикларига чалинган беморларни парвариш қилиш мақсадида врачнинг кўрсатмасига биноан қон босимини бир меромга солиб турадиган дори-дармонларни ва оғриқ қолдирадиган препаратларни қабул қилиш лозим.

Бўғин ва периферик асаб системаси хасталиги бўлган беморларга тегишли комбинацияда оғриқ қолдирувчи дорн-дармонлар берилади. Об-ҳаво ўзгарганда ўзини нохуш сезадиган барча беморлар учун антивазоспастик препаратини қабул қилиш тавсия этилади.

Ягона қардошлик оиласида

КУЙЛАЙМАН ШАЪНИНГНИ ЭЙ, ОНА-ВАТАН, КУЙЛАЙМАН СЕНИ МЕН ҲУР РЕСПУБЛИКАМ!

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси

Ягона қардошлик оиласида бизнинг Ўзбекистонимиз ўзининг олтини ва «оқ олтин»и, ширин-шакар қовун-тарвузлари, олма-ю анорлари, бошқа ҳамма маҳсулотлари билан ҳақли равишда фахрланади. Унинг қадди доимо тик. Даврларда қаҳҳаҳаси баланд. Аммо бугунги кунда у ўз ишига янада талабчанлик, жонкуярлик, тадбирларга амалий руҳда ёндашиши билан ажралиб туради. Куни-кеча ўз ишини тамомлаган ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессиясида ана шу кайфият яққол сезилди. Ҳақиқатан ҳам бу кайфият мамлакатимиз бошидан кечираётган алоҳида давр билан белгиланади. Бу давр жараёнлари эса аниқ: қайта қуриш ва жадаллаштириш!

Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллик байрами арафасида Ўзбекистон ўз олдида турган муҳим ва актуал вазифалар билан боғлиқ масалаларга жиддий эътибор бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг Октябрь революцияси 70 йиллиги арафасида бўлиб ўтган Пленуми ва унинг юбилей билан боғлиқ баъзи жорий вазифаларга доир масалаларни муҳокама этгани бутун Ўзбекистонда ҳам бой таассурот қолдирди. Партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь ва июнь Пленумлари ҳужжатларида кўрсатиб берилган қайта қуриш йўли бугунги кунда Ўзбекистонимизда ҳам изчиллик билан амалга оширилмоқда. Республика ўз ҳаётида муҳим босқични бошдан кечиряпти. Ҳақиқатан ҳам ҳозирги пайт энг мураккабдир: бу даврда эскилик билан янгилик ўртасида кизғин кураш боряпти. Шак-шубҳа йўққи, янгилик барча қийинчиликларга қарамай тўла ғалаба қозонади.

Ўтган етмиш йил ичида ягона қардошлик оиласида Ўзбекистон тарихига хаёлан бир назар ташласак, бир пайтлар чоризмнинг қолоқ, чекка ва мустамлака ўлкаси бўлган икки томонлама зулм— чор самодержавиеси ва маҳаллий бой-феодаллар томонидан эзилган ўзбек халқи СССРдаги рус ва бошқа қардош халқлар ёрдамида қаддини тиклабгина қолмай, очиқ чеҳра билан кўкрагини мағрур кермоқда. Негаки, бугунги кунда у юксак даражада тараққий этган социалистик республикага айланди. 1917 йилдан кейинги катта ва шонли йўл Ўзбекистонни мана шу юксак даражага олиб келди.

Ҳозир республикада қайта қуриш жараёни конкрет амалий ишларга кўчди. Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари ўз диққат-эътиборларини ҳалқ хўжалигини узлуксиз ривожлантиришни кучайтиришга, унинг барча тармоқлари пухта ишлашини таъминлашга, юбилей йили ва беш йилликнинг келгуси учинчи йили планларини бажариш учун мустаҳкам асос яратишга, энг муҳими экономикани янги марраларга олиб чиқишга қаратмоқдалар. Республикада амалга оширилаётган улкан ишлар партиямиз XXVII съездининг стратегик йўлига, Марказий Комитетнинг кейинги Пленумларида тилга олинган экономикани бошқаришни тубдан қайта қуришга оид кўрсатмаларга мос ва ҳамоҳангдир.

Қанчалар қотиб қолган, умрини яшаб бўлган нарсаларга барҳам берилмади, дейсиз! Республикада маънавий-сиёсий вазиятнинг соғломлаштирилиши йўлида беқиёс ишлар олиб борилди ва борилмоқда. Кадрлар сиёсатини тубдан қайта қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Маълумки, кўпгина нарсалар қаторида пахта териш техникасида ҳам турғунлик юз берган эди. Бу ҳақда матбуотда, радио ва телевидениеда бот-бот ёзиляпти, гапириляпти ҳам. Бу бежиз эмас, албатта. Худди шунингдек, пахтанинг эрта пишар навларини яратиш, уни лоақал беш-олти кун эрта очиладиган қилиш ҳақида ҳам деҳқонларимиз орзу қилиб келишади. Эндиликда бу ҳақдаги қуруқ гап-сўзлардан кескин амалий ишларга ўтиш даври келди! Республикада илмий ва инженерлик кучларини фақат республиканингтина эмас, балки бутун Ўрта Осиё пахтакор республикаларини ҳам тўлқинлантираётган энг муҳим муаммо — пахта териш машиналарининг янги турларини яратиш йўлида бирлаштириш учун кўп ишлар қилинди. Олимлар ҳам ўз ишларини қайта қурмоқдалар.

Республика қишлоқ хўжалигида сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Гўшт, сут, тухум фақат қоғоздагина эмас, балки амалда тайёрланадиган бўлиб қолди. Озуқа тайёрлаш бир ярим марта кўпайди. Демак, чорвачиликни жадал ривожлантириш учун мустаҳкам база яратилмоқда.

Аммо Ўзбекистонимизда уй-жой муаммоси ҳамон кескин бўлиб турибди. Тўғри, уй-жойлар ва социал-маданий маиший бинолар кўпайди. Қурилиш индустрияси қувватларидан янада тўлароқ фойдаланилмоқда.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги байрами арафасида республикамиз ёркин истиқболни кўзлаб иш тутмоқда. Бу истиқбол эса яқин! Бунинг учун янада кўпроқ талабчанлик, уюшқоқлик, барча ишларимизда тартиб-интизомни мустаҳкамлашимиз даркор.



Тошкентлик Иван Наумович Горский 1917 йили Петроградда В. И. Ленинни кўриш ва уни тинглаш шарафига муяссар бўлган энг бахтли инсонлардан бири. Ветеран ҳозир 91 ёшга тўлди, у 70 йилдан бери Коммунистик партиянинг аъзоси. Иван Наумович революцион курашда ва Совет ҳокимиятини тиклашда фаол иштирок этган. Ҳозир пенсияда бўлишига қарамай бор кучи ва вақтини ёшлар тарбиясига бағишламоқда.

СУРАТДА: И. Н. Горский.

Р. Шагаев фотоси.

Тошкент байроғидаги орден

Меҳнат ва жасорати учун

Тошкент — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг пойтахти. Территорияси 256 квадрат километр. Аҳолиси 2 миллиондан зиёд. У аҳолиси жиҳатидан СССРда (Москва, Ленинград ва Киевдан кейин) тўртинчи ўринда туради. Тошкент денгиз сатҳидан 479 метр баландликда жойлашган.

Гражданлар уруши йилларида ёш Туркистон Совет Республикасининг таянчига айланган Тошкент ички ва ташқи душманларни тор-мор қилишга салмоқли ҳисса қўшди. Шу хизматлари учун Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети Президиумининг 1924 йил 4 апрелидаги қарорига биноан Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган.

Серқуёш Ўзбекистоннинг — пойтахти Тошкент Ватанининг иккинчи орденига 1983 йил сентябрь ойида сазовор бўлди. Шаҳар меҳнаткашларининг революцион ҳаракатдаги катта хизматлари, Улуғ Ватан урушида ғалабага қўшган ҳиссаси, хўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятлари учун ва ташкил этилганлигининг 2000 йиллиги муносабати билан Тошкент Ленин ордени билан мукофотланди.

Шаҳар герби

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва шаҳар Совети ижроия комитети тасдиқлаган Низомга кўра, Тошкент шаҳрининг герби қуйидагича тасвирланган:

1. Тошкент шаҳрининг герби йирик пахтакор республика пойтахти, тинчлик ва дўстлик шаҳри, Совет Ўзбекистонининг маъмурий ва маданий маркази сифатида Совет Ўзбекистони пойтахтининг рамзи ҳисобланади.

2. Тошкент шаҳрининг герби республика давлат байроғи тасвири туширилган, томонлари 2:3 ҳажмидаги очиқ китобдан иборат: ўрта қисмида қуёш фонида В. И. Ленин музейи филиалининг биноси, пахта чаноғи, кабутар акси туширилган. Композиция марказини шестерня якунлайди. Гербнинг юқори қисмида, китоб устига ўзбек тилида «Тошкент» деб ёзилган.

Гербнинг рангли тасвирида қуёш, музей, пахта чаноғи ва кабутар зарҳал бўёқларда акс эттирилган. «Тошкент» ёзуви эса оқ фонга туширилган; шестерня ва герб ҳошияси оч-жигар ранг, республика байроғи эса зангори йўл туширилган қизил рангда.

Доҳий меҳри тушган ўлка

В. И. Ленин тузган большевиклар партияси XX асрнинг асосий воқеаси бўлган — Улуғ Октябрь социалистик революциясини тайёрлади ва уни амалга оширди. Улуғ Октябрь инсоният тарихида янги даврни очиб берди, капитализм инқирозини тезлаштирди ва миллатларнинг озодлик йўлини кўрсатиб берди. Большевиклар партияси Россия ишчилар синфини, бутун меҳнаткашларни янги социалистик ҳаёт, порлоқ келажак сари етаклади.

В. И. Ленин ишлаб чиққан ва Коммунистик партия томонидан амалга оширилган миллий сиёсат — капитализм ҳукмронлигида бир-биридан узоқлашиб кетган халқлар ўртасида тенглик, қардошлик ва ўзаро ёрдам муносабатларини ўрната олди. В. И. Ленин барча эзилган халқларнинг озодлигини таъминлашга даъват этди. У миллатларнинг аҳил онла бўлиб яшашини истар, ҳар бир миллатнинг мустақиллигини, маданиятини, тилини ва тарихини ҳурмат қилиш ҳақида ғамхўрлик қиларди.

Ўзбекистон ССРнинг барпо этилиши ҳам ана шу ленинча ғамхўрликнинг натижасидир. Буюк совет оиласининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган бизнинг республикамиз ўтган давр ичида феодализмдан капиталистик босқични четлаб ўтиб, социализмга илдам қадам ташлади. Совет Ўзбекистонининг равнақида В. И. Ленин ғамхўрлиги, рус ва бошқа халқларнинг бегараз қардошларча ёрдами ҳал қилувчи роль ўйнади.

Рус халқининг ёрдами туфайли ўзбек халқи авж олиб келаётган иқтисодий сиёсий ва маданий қолоқликдан қутулди, халқ хўжалиги ва маданияти ривожида ўлкан зафарларни қўлга киритди. 1922 йилда СССРнинг ташкил топиши халқлар дўстлигининг барқ уриб ривожланишига шароит яратди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси 1924 йилда ташкил топди ва 1925 йил майида СССР таркибига ўз хоҳиши билан тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Совет Ўзбекистони ССРнинг асосий пахта базаси бўлиб қолди. Бу соҳадаги меҳнатлари учун СССР Олий Совети Президиумининг 1939 йил 23-декабрь Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Ленин ордени билан мукофотланди. Бу вақтга келиб Ўзбекистон ССРда етиштириладиган пахтанинг 61,8 процентини, пилланинг 50 процентдан кўпроғини берар эди.

Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек халқи, барча қардош халқлар каби фашистлар Германиясининг тор-мор этилишига муносиб ҳисса қўшди. Партиянинг 1951 йил октябрида бўлиб ўтган XIX съездида 1951 — 1955 йилларга мўлжалланган СССР халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик планида ҳам республикамизда пўлат ишлаб чиқаришни 80 процент, прокат ишлаб чиқаришни 70 процентга кўпайтириш мўлжалланган эди. Коммунистик партия пахтачиликни янада ривожлантириш, уни комплекс механизациялаш ишига катта эътибор берди. Янги пахта териш машиналари ихтиро қилинди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида беш йилликда аввалги йилликдагига қараганда 2 миллион 419 минг тонна ортиқ пахта тайёрланди. Ўзбекистон меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати, пахтачилик, ирригация ва бошқа соҳаларни ривожлантиришдаги ютуқлари учун республикамиз 1956 йил 5 декабрда иккинчи Ленин ордени билан мукофотланди.

СССР ташкил топилганинг 50 йиллиги муносабати билан 1972 йил 29 декабрда республикамиз бошқа қардош республикалар каби Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланди. Республикамиз ташкил топганига 50 йил тўлиши муносабати билан ва хўжаликдаги ютуқларини назарга олиб, СССР Олий Совети Президиуми ўзининг 1974 йил 21 октябрдаги Фармонига мувофиқ Ўзбекистонни Октябрь революцияси ордени билан мукофотлади.

Шундан сўнг меҳнатдаги зафарлари учун республикамиз СССР Олий Совети Президиумининг 1980 йил 14 ноябрь Фармонига биноан учинчи Ленин ордени билан тақдирланди.

Ҳозирги кунда КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорларидан руҳланган республикамиз меҳнаткашлари илгари ишда рўй берган камчиликларни таг-томири билан йўқотишга ҳаракат қилмоқдалар ва партиямизнинг қайта қуриш ва жадаллаштириш программасини амалга оширишда қардош республикаларнинг олдинги сафида бормоқда. Халқ хўжалигини янада жадаллаштириб ривожлантириш, инсон омили ҳақида ғамхўрликни кучайтириш, кишилар онгини қайта қуриш, меҳнат унумдорлигини зудлик билан ошириш бугунги куннинг талабидир.

КПСС Марказий Комитетининг январь ва июнь Пленумлари қарори халқимизнинг куч-қудратини мамлакат экономикасини ривожлантириш ишига сафарбар этишда муҳим босқич бўлди. Январь Пленумида уқтириб ўтилганидек, қайта қуриш —бу туб маъноси билан революцион аҳамиятга эгадир. Қайта қуриш ишини пировард натижаси, албатта кадрларнинг ғайратига боғлиқдир. Шубҳасизки, партия атрофига жипслашган совет халқи ўз олдида турган вазифаларни шараф билан бажаради ва доҳий Ленин партияси раҳбарлигида Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олади.

М. МИНГБОЕВА,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг илмий ходими.

Республика давлат гимни


Гимн қўшиқлар қўшиғи, замон наъраси, давлатнинг музикали байроғи. Тантаналы кунлар, байрамлар, галабалар, расмий воқеалар, давлат аҳамиятига эга бўлган тадбирлар у билан нишонланади.

СССР Давлат Гимнини 1944 йили СССР Олий Совети Сессияси таъсис этган. 1947 йили ҳамма иттифоқчи республикаларнинг махсус Давлат Гимнлари яратилди. Ўзбекистон ССР Давлат Гимни ҳам сўзи Темур Фатҳоҳ ва музикаси Мутавакил Бурҳонов томонларидан ёзилди. Иттифоқимиз ва республикамиз ҳаётида мисли сиз воқеалар рўй берганлиги муносабати билан у, 1987 йил Туроб Тўла таҳрири билан Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясида қайта тасдиқланди, 21 апрелдан бошлаб ижро этила бошланди.

Гимн ўз давлати ва мамлакатининг ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий мавқеини, буюк Ленин партиясининг, совет тузумининг ўзга ижтимоий тузумлардан фарқли ўлароқ революцион, гуманистик, интернационал идеалини, фахри ва ифтихори бўлмиш «оқ олтин» меҳнати ва шарафини, рус халқи бош бўлган қардош халқлар иттифоқи ва дўстлигини ифода этган.

Ассалом, рус халқи, буюк оғамиз,
Барҳаёт доҳиймиз Ленин, жонажон!
Озодлик йўлини Сиз кўрсатдингиз,
Советлар юртида Ўзбек тотди шон!
Партия раҳнамо, жон Ўзбекистон,
Серқуёш ўлкасан, обод, баркамол!
Тупроғинг хазина, бахтинг бир жаҳон,
Советлар юртида сенга ёр иқбол!
Серқуёш ўлкада кўрмасдик зиғ,
Дарёлар бўйида эдик сувга зор.
Тонг отди, Инқилоб, Ленин раҳнамо,
Раҳнамо Лениндан халқлар миннатдор!

Партия раҳнамо, жон Ўзбекистон,
Серқуёш ўлкасан, обод, баркамол!
Тупроғинг хазина, бахтинг бир жаҳон,
Советлар юртида сенга ёр иқбол!
Коммунизм гулбоғинг мангу навбаҳор,
Тоабад қардошлик — дўстлик барҳаёт!
Советлар байроғи ғолиб, барқарор,
Бу байроқ нуридан порлар коинот!
Партия раҳнамо, жон Ўзбекистон,
Серқуёш ўлкасан, обод, баркамол!
Тупроғинг хазина, бахтинг бир жаҳон,
Советлар юртида сенга ёр иқбол!



Бухоро тўқимачилик комбинатининг пардозлаш фабрикасидаги янги босма цехида ускуналарни монтаж қилиш тугалланди. Цех Чехословакиянинг «Элитекс» фирмаси газламага гул солувчи тезкор машиналарни билан жиҳозланди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган газламаларни аҳоли севиб харид қилмоқда.

СУРАТДА: Бухоро тўқимачилик комбинатининг йигирув-тўқув цехида.

С. Величкин ва Р. Ғафуров фотоси.

ҚАЛЪАДАН ХОТИРА

В. И. Ленин номли марказий болалар боғининг чеккасида хотира учун сақлаб қўйилган қалъа «дарвоза»сини кўрганмисиз? Уни революциядан илгари «Ҳарбий қалъа», «Тошкент қалъаси» деб юритишган. Бу қалъа революцион ҳаракатлар шоҳиди бўлган. 1905 йилда 15 ноябрдан 16 ноябрга ўтар кечаси қалъадаги 1-Туркистон резерв батальонининг қўзғолонини эслатиб ўтиш кифоя.

1917 йилда Октябрь қуролли қўзғолони бошлангунча бу ҳарбий қалъа контрреволюцион қўшинлар қўлида эди.

31 октябрдан 1 ноябрга ўтар кечаси қалъани эгаллаш учун қаттиқ кураш бўлди. Тун бўйи қуролли қўзғолончилар ҳарбий қалъага ҳужум қилишди. 1 ноябрь куни эрталаб қалъа устида революциянинг зафар байроғи ҳилпиради. Бу Тошкентда Совет ҳокимияти ўрнатилганидан далолат эди. Шундай қилиб, Тошкентдаги қуролли қўзғолон ғалабаси Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам ҳокимиятнинг Советлар қўлига ўтишини тезлаштирди.

[Ўзбекистон ССРга бағишланган материалларни «Тошкент оқшоми» мухбирлари тайёрлашган].

Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ПРАГАДА УЧРАШУВ

● ПРАГА. Бу ерда Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Густав Гусак Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрларининг навбатдаги мажлисида қатнашиш учун Прагага келган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Эдуард Шеварднадзе билан учрашди. Э. А. Шеварднадзе М. С. Горбачев ва бошқа совет раҳбарлари номидан самимий салом ҳамда эзгу истаклар тошшириб, Совет Иттифоқидаги қайта қуриш қандай бораётганлиги ҳақида Г. Гусакка ахборот берди, уни КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми ва СССР Олий Совети сессиясининг иш якунлари билан таништирди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини байрам қилишга кўрилаётган тайёргарлик ҳақида гапириб берди.

ЧКП Марказий Комитети Бош секретари, республика президентининг Москвадаги юбилей тантаналарида иштирок этишига совет раҳбарлари катта аҳамият бераётганликлари таъкидланди. Э. А. Шеварднадзенинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг АҚШ президенти Р. Рейганга мактуби билан Вашингтонга сафар қилмоқчи эканлиги билдирилди.

ХХ АСРНИНГ ЭНГ БУЮК ВОҚЕАСИ

● ҚОҲИРА. Бу ерда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди. Бу мажлис Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг доимий секретариати билан Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги Миср комитетининг ташаббусига биноан ўтказилди. Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти президиумининг раиси Абдул Раҳмон аш-Шаркавий Африка-Осиё илғор жамоатчилиги номидан совет халқини, КПССни ва Совет ҳукуматини астойдил табриклади. Октябрь революцияси, деди у, ХХ асрнинг энг буюк воқеаси бўлди, ҳозирги замон тарихини ўзгартириб юборди. Улуғ Октябрь машъаласи Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги миллий озодлик ҳаракатини аланга олдирди, кўпгина мамлакатлар, шу жумладан Миср халқларининг революцион онгини уйғотди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош Ассамблеясининг махсус сиёсий комитети мамлакатлар қатта группасининг, шу жумладан, СССРнинг таклифи билан атом радиацияси таъсири тўғрисидаги резолюция лойиҳасини қабул қилди. Унда инсонга таъсир қилаётган радиация даражасининг ҳозирги авлод ва келажак авлодлар учун зарарли таъсир қилиши мумкинлигидан ташвишланиш изҳор қилинади, атом радиацияси ва ионлаштирувчи радиацияни мунтазам ўрганиш ва бу ҳақда маълумотлар тўплаш, радиациянинг инсонга ва атроф муҳитга таъсирини анализ қилиш зарурлиги таъкидланди. Бу проблеманинг махсус комитетда муҳокама қилиниши тинч атомдан хавф-хатарсиз фойдаланишни ва айниқса, атом уруши ажал хавфини бартараф этишни таъминлашга оид қатъий чоралардан халқаро ҳамжамиятнинг манфаатдорлигини акс эттирди. Кўпгина мамлакатларнинг делегатлари ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатишни, ядро қуроли синовларини таъқиқлашни талаб қилдилар, шу муносабат билан Совет Иттифоқининг ҳар қандай ядро портлатишларига бир томонлама мораторийсининг жуда катта маънавий-сиёсий самара беришини таъкидладилар.

* * *

ДАККА. Бангладешда президент Хусайн Муҳаммад Эршод ҳукумати истеъфога чиқишини талаб қилаётган оппозиция активлари ва раҳбарларини қамоққа олиш давом этмоқда. Қамоққа ташланганлар орасида таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари Моти Чоудхури ва А. Ф. Юсуф бор. Маҳаллий матбуотнинг хабар қилишича, бутун мамлакатда тинтув ўтказилмоқда. Оппозициядаги парламент аъзолеринниг кўпчилиги яширинишга мажбур бўлган.

Оппозициядаги бир қанча сиёсий партияларнинг раҳбарлари сўнгги кунларда қамоққа олинганларнинг ҳамласини дарҳол бўшатишни талаб қилдилар. Ана шу шиор остида бугун мамлакатнинг ҳамма жойида норозилик намойишлари ва митинглари ўтказилмоқда. Бир қанча жойларда намойишчиларнинг полиция билан тўқнашувлари бўлди.

РЕЙГАН НУТҚИ

● ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Рейган Уст-Пойнтдаги ҳарбий академияда Совет-Америка муносабатларига бағишланган нутқ сўзлади. Менинг фикримча, СССР билан АҚШ ўртача ва камроқ олисликдаги ракеталар хусусида битим тузишга яқинлашиб қолдилар, деди у. АҚШ давлат секретари Жорж Шульцнинг Москвадаги музокаралари чоғида, деб таъкидлади Рейган, «ўртача олислик ракеталари хусусида битим тузиш ва бошқа соҳаларда тараққиётга эришиш йўлида олға томон муҳим ижобий силжиш рўй берди. Ташқи ишлар министри Шеварднадзе мен билан ва давлат секретари Шульц билан учрашиб, шу муносаораларни давом эттириш учун жума куни Вашингтонга етиб келади».

Рейган олий даражадаги учрашув масаласига тўхталиб, бундай учрашувлар «ошкора суҳбатлар имконияти ва муносабатларни яхшилаш кўприги сифатида раҳбарлар учун ва мамлакатлар учун фойдали бўлиши мумкин», деб айтди.

ДЕКРЕТ ИМЗОЛАНДИ

БРАЗИЛИА. Бразилия президенти Жозе Сарней ер ислоҳоти ўтказиш учун заминдорларнинг ерини мусодара этиш тўғрисидаги декретни имзолади.

Президент бекор ташлаб қўйилган ва заминдорлар чайқовчилик мақсадларида харид этган 30 миллион гектар ер мусодара қилинишини айтди.

Бразилияда миллий ер ислоҳоти плани бундан икки йил аввал қабул қилинган эди. Шу планга мувофиқ, бир йил охиригача ярим миллион деҳқон оилалари ерли бўлиши керак. Аммо заминдорларнинг ашаддий қаршиликлари ва маъмурларнинг қатъиятсизлиги сабабли бугунги кунгача атиги 30 минг га яқин деҳқон ерли бўлган.

Бразилияда заминдорлар сони жами ер эгаларининг 2,6 процентидан ортмайди. Заминдорлар қўлида 286 миллион гектар ер бор.

КАШАНДАЛАР, ЎЙЛАБ КЎРИНГ!

Япония соғлиқни сақлаш министрлиги кашандаликнинг зарари тўғрисида Оқ китобни чоп этди.

Японияликларни мазкур проблема ташвишлантираётганлигининг боиси шундаки, мамлакатнинг ялпи аҳолиси жон бошига ҳисоблаганда, АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларига нисбатан Японияда кашандаларнинг кўпроқ эканлиги аниқланди. Мамлакатдаги балоғатга етган эркак кишиларнинг 62,5 проценти, хотин-қизларнинг 12,6 проценти тамаки чекар экан. Ваҳоланки, бу кўрсаткич бошқа ривожланган мамлакатларда катта ёшдаги аҳолининг 30 процентидан ошмайди.

Китобда ёш хотин-қизлар ўртасидаги кашандалик қандай оғир оқибатларга олиб келишига алоҳида эътибор қаратилган. Ана шундай оқибатлардан бири— пуштсизликка кўпроқ учраш эҳтимолидир. Китобда қайд этилишича, кашанда оналардан туғилган гўдакларнинг вазни соғлом аёллар туққан гўдакларнинг вазнидан ўртача 200 грамм енгил бўлар экан.

* * *

Калейдоскоп

Кашандалик келтириб чиқарган ҳасталикларда ҳар йили ҳалок бўлаётган Америка гражданларининг сони ўсишда давом этмоқда. Касалликлар устидан назорат миллий маркази мутахассисларининг аянчли хулосаси ана шундай. Ана шу ҳукумат муассасаси эълон қилган докладда, жумладан, шундай маълумотлар келтирилади: 1984 йилда (мамлакат бўйича тўлиқ маълумот олинган энг сўнгги йил) зарарли одат 315.120 америкаликнинг ўлимига сабаб бўлган. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 1980-йилда 270 минг кишига тенг эди. Кашандалик келтириб чиқарган ва энг кўп тарқалган касалликлар — ўпка раки ва юрак хасталикларидан 200 мингдан кўпроқ киши ҳалок бўлган.

Докладда шунингдек, 15 минг гўдак уларнинг оналари ҳомиладорлик пайтида тамаки чекканликлари сабабли ҳалок бўлган, деб таъкидланади.

ОКТЯБРНИ ЛҚИШЛАЙМИЗ



Революция давом этмоқда

СССР халқ артисти ТАМАРАХОНИМ ҳикоя қилади.

Ваҳимали кунлар эди. Фарғона водийсида деярли ҳар куни ўлдириб кетилган хотин-қизлар дафн этиларди. Этнографик труппамиз коллективи (кейинчалик мусиқали-тажриба театри) ҳам 1929 йили ўзбек хотин-қизлари орасидан биринчи бўлиб театр саҳнасига чиққан талантлардан бири, ёш актриса Нурхонни ерга топширди. Бу воқеа ёш Нурхоннинг отпускасида содир бўлди. Отасининг ҳийласи билан Марғилонга, уйига чақиртириб олинган Нурхон қасам ичган гумроҳ, жаллод акаси томонидан кечаси боғда 26 жойига пичоқ санчиб ўлдирилади. Биз Нурхоннинг қабри тепасида, хотин-қизлар озодлигининг душманларидан қасос олишга, саҳнага минглаб Нурхонларни жалб этишга қасамёд қилдик. Ҳозирда ўзбек театр санъатининг ривожига муносиб улушини қўшиб келаётган саҳна усталарининг катта армияси ана шу қасамга қанчалик содиқлигимизнинг исботидир.

«Ҳужум» ҳаракати авж олган даврда, 8 март куни ваҳший дин пешволари асаклик Халчаҳон ва унинг турмуш ўртоғини уйқуда ётган маҳалли чаваклаб кетганлиги ҳақидаги хабар дам қалбларимизни ларзага келтирди. Бухорода эса истеъдодли артисткамиз Турсунойга ўз эри суиқасд қилди. Мен бу ерда санъат оламига кириб келган истеъдодларнинг номларини санаб ўтдим, холос. Аммо улар суронли йилларда «Ҳужум» ҳаракатини бошлаб берган, паранжи ташлаган ўзбек аёлининг озодлиги йўлида қурбон бўлган хотин-қизларнинг номларини санаб адоғига етиш мушкул.

Менинг ўша қонсираган жаллод босмачиларнинг қайрилган пичоғи дамидан, уларнинг ҳар хил дўқ-пўписалари, таъқибларидан омон қолганлигимнинг ўзи мўъжиза. Уларнинг қўлига тушиб қолмаслик учун ҳар куни бошқа-бошқа хонадонларда тунаб қолардим. Бир марта лаънати қора чиммат ҳам мени ўлимдан омон қолишимга ёрдам берган. Марғилонда, ҳозирги Охунбобоев ҳайкали ўрнатилган майдонда катта байрам ўтказилаётган эди. Мен духовой оркестр садолари остида Юсуфжон қизиқ билан рақсга тушаётган эдим, бирдан қаердандир рўпарамизда пайдо бўлган босмачилар тўдаси бизни ўққа тута бошлади. Юсуфжон қизиқ шундай тезлик билан ерда ётган паранжини олди-ю, бошимга ёпди ва биз шаҳарнинг жин кўчаларидан бирига ўзимизни урдик. Горчаковга етиб олгач, онамдан қаттиқ танбеҳ олдим. Шундан кейин онам синглим Амалия билан мени кундузлари сандиққа яшириб қўяр, кечқурунлари қўни-қўшниларнинг қоронғу, зах хоналарида ётиб юрар эдик. Биз ёш эдик, довюрак эдик, замонанинг оғирлиги, фожеаларининг даҳшатлилигига қарамасдан саҳна чироқларининг эртаклардаги сингари ғаройиб нурлари бизнинг ўзимизга бўлган ишончимизни орттирарди, энг муҳими халқ бизнинг санъатимиздан руҳланиши, бизни қўллаб-қувватлашини билардик.

Бизга ҳаммадан ҳам кўпроқ «Ҳужум» ҳаракатининг актив иштирокчиси, ташкилотчиларидан бири Жаҳон Обидова ўз ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса-да, ҳар томонлама ёрдам берарди. Синглим Амалия тенгдошларига қараганда жуда жасоратли эди. У мени кўпинча босмачилар бор жойларга ҳам дадил бошлаб борар, бундай пайтларда ҳамиша ўлим шарпаси ёнингда турар, концерт бераётган жойимизда то отлар туёғи овозлари тингунча жойимиздан қимирламай бекиниб турардик, кейин эса оғилхоналарга, омборхоналарга яширинардик. Отларнинг туёқ товушидан қаттиқ қўрқардим, бу овозлар эшитилгудек бўлса юрагим шундай қаттиқ уриб кетардики... Фақатгина катта ишга кам бўлса-да ўз ҳиссамизни қўшаётганлигимизни ҳис қилиш туйғуси бизни олға ҳаракат қилишга ундарди.

Буларнинг ҳаммаси энди хотирага айланди. Ўша хотираларни хаёлан тиклар эканман, мен ўшанда эркин, бутун иқтидоримни тўла ишга солиб ижод қилганмидим, дея ўзимга савол бераман: юзаки қараганда ҳа, турмуш ўртоғимнинг қарамида, терговида бўлганман. Бир қарашда замонавий эдилар, Шарқ хотин-қизларининг ҳуқуқлари, бахт ҳақида тўлиб гапирар эдилар. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Мен фақат саҳнадагина эркин эдим, озод қаҳрамонларим ролини ижро этгандагина ўзимни эркин сезардим, бироқ юрагим йиғлар эди. Турмуш ўша даврларда шу қадар оғир эдики, у аёлни ўз комига худди ботқоқдек тортарди, ундан қутулишга аёлнинг қудрати ҳали етмасди. Кўз ўнгимизда ёшгина қизлар чолларга эрга тегмаслик учун, номуслари устун келиб устларига керосин қуйиб ўзларига ўт қўядилар. Энг ёмони шунда эдики, бу ҳол нафақат маҳаллий ўзбек қизлари орасидагина эмас, балки барча миллат аёллари ўртасида ҳам тез-тез содир бўлиб турарди.

Ҳозир биз қайта қуриш ва жадаллаштиришдек революцион бир даврда яшаяпмизки, бу бизларнинг келажакка зўр умид билан қарашимиз учун буюк бахтдир.

Суҳбатни Комил ЖЎМАЕВ ёзиб олди.

Илҳомбахш мавзу

Ўзбек тасвирий санъати усталари Улуғ Октябрь социалистик революцияси мавзуига бағишланган асарлар туркумини яратишда, уларда халқ бахт-саодати учун курашган инсонлар образини мужассамлаштиришда ҳамиша маҳорат кўрсатмоқдалар. Бу асарларда улуғ Ленин ғояларининг тажассуми, эрк ва озодлик, бахт ва саодат, шунингдек истиқбол ва келажак ўз аксини топади. Адабиётимизда бўлгани сингари тасвирий санъатимизда ҳам Ленин ва Октябрь мавзуи муҳим ўрин тутади. Энг муҳими ана шу мавзуга мурожаат қиларкан, рассомларимиз юксак инсоний туйғуларни революция иши учун фидо бўлган кишиларнинг ўй-кечинмалари орқали яққол намоён этадилар. Бу ўринда Ўзбекистон ССР халқ рассоми Рўзи Чориевнинг «1916 йил. Жиззах», Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Жавлон Умарбековнинг «Комиссар Миршаропов портрети», яна қатор ўнлаб асарларни санаб ўтиш мумкин.



Талантли ўзбек рассомларидан Э. Охунов ҳам революция мавзуига мурожаат қилиб туркум асарлар яратмоқда. Унинг бу мавзуда ишлаган суратлари фидойи инсонларнинг ички дунёсини кенг кўламда очиб бериш билан ажралиб туради. Ана шу туркумда яратган асарлари сарасига «Республиканинг туғилиши» триптихи мисол бўла олади. Рассом бу асарида инқилоб туфайли озодликка чиққан ўзбек халқининг муносиб фарзандлари образларини яратади. Бу инсонлар сиймосида халқ бахт-саодати учун курашган фидойиларнинг юксак ғоялари, шунингдек уларнинг эътиқод ва маслаги маҳорат билан ифодаланади.

СУРАТДА: рассом Э. Охуновнинг «Республиканинг туғилиши» триптихининг бир қисми.

В. Дубровский фотоси.



Наврасат гулшани

КЎНГИЛ КЎЗГУСИ

Халқларимиз дўстлиги, аввалambор яхшиёмон кунларда кўнгил сўраш, ҳеч бўлмаганда бир оғиз илиқ сўзда ҳам намоён бўлади. Бу бир қарашда жўн гапдай туюлиши мумкин. Бироқ Ғафур Ғулом айтгандай «Бир оғиз ширин сўз нондек арзанда» бўлган кунлар тарихида кўп ўтган ва биз бугунги тинч замонда ўша оғир кунларни унутмаслигимиз керак. Мўътабар туйғуларни авлодлар дилига сингдиришда, уларга мунтазам эслатиб туришда шоирлар каломи муҳим роль ўйнайди. Шоиримиз Эркин Воҳидовнинг белорус адиби Иван Новиковга бағишланган «Шарқий қирғоқ» шеъри ана шундай инсоний туйғулар, дўстлик, авлодларнинг муқаддас ўй-кечинмалари, Бурч ва Эътиқод ҳақида. Бу шеър шоримизнинг ўзига хос кўнгил кўзгусидир.

Эркин ВОҲИДОВ.
Ўзбекистон ССР халқ шоири.

Шарқий қирғоқ

Иван НОВИКОВга

«Табиат қонуни,
Қайда бор қирғоқ,
Билмадим, фанда не бокс омиллар,
Шарқий соҳиллардан ҳамиша тикроқ,
Баландроқ бўлади ғарбий соҳиллар.

Неча дарёларни кузатиб юрдим,
Ҳеч ерда истисно топмадим бироқ,
Ғарбий соҳилларда тепалар кўрдим,
Шарқий соҳилларни кўрдим ётиқроқ.

Боқиб кўнглим чўкди неча мартаба,
Нега бундай қилдинг, чархи кажрафтор!
Бир соҳилга бериб юксак мартаба,
Бошқа бир соҳилни қилдинг хокисор!

Аслида замин бир, тенгдир соҳиллар,
Ноҳақлик эмасми, гардуни золим!..
Қайда қирғоқ кўрсам,
Оловли йиллар,
Қонли кечувларга учар хаёлим.

Биз донм борганмиз кун чиқар ёқдан,
Улмнинг юзига тик боқиб ҳар гап.
Ёв эса юксакдан, ғарбий қирғоқдан,
Қаттол ва бешафқат ёғдирган ажал.

Биз Шарқдан борганмиз, Шарқий соҳиллар,
Тўпга нишон бўлди, текис ва яйдоқ.
Биз бўлсак — фидойи жони сабилдар
Тикка боравердик, танимиз байроқ.

Дарё бўлиб оқди дарёда хунлар,
Дўзах оловида бамисли дунё.
Минглардан юз қолдик, юзлардан ўнлар,
Қирилдик, орқага қайтмадик, аммо.

Бизга душман эди ҳийла ва ҳадик,
Йўқ эди мардликдан ўзга ҳимоят.
Ёв ўқи тугади, биз тугамадик,
Ғарбий соҳилларни олдик ниҳоят».

Садоси замину кўкни титратиб
Поезд Будапештга тезлаб борарди.
Белорус ҳамроҳим,
Жангчи ва адиб,
Менга хотиралар сўзлаб борарди.

Сариқ сочларига оқ оралаган,
Мовий кўзларида тубсиз бир хаёл.
Тирик юрса эди Есенин агар
Бугун бўлар эди балки шундоқ чол.

У сўзлар,
Тирлиб келарлар гўё
Бирга қонли жангга кирган ўртоқлар.

У сўзлар,
Қалбимда беради садо
Фарёд чекиб ётган шарқий қирғоқлар.

Мана, мен юксалиб
Гелерт тоғига
Фидолар қабрига эгарканман бош,
Қарайман Дунайнинг у қирғоғига,
Ногоҳ кўз пардасин қоплаб келар ёш.

Шарқий соҳил ётар тинч ва беозор,
Ҳеч қачон ҳеч нарса кўрмаган гўё.
Гўёки бўлмаган у қонли баҳор,
Оҳнста чайқалиб оқади дарё.

Ҳолбуки, қирғин жанг давом этмоқда,
Ҳолбуки, қурбонлар руҳи уйғоқдир.
Ҳамон ёв кўргани ғарбий қирғоқда,
Ҳамон бизнинг маскан шарқий қирғоқдир.

Дардлар гирдобида чарх урар замин,
Мажруҳ сийнасидан силқиб оқар қон.
У ҳар кун, ҳар лаҳза миниглаб одамни
Шарқий қирғоқларда бермоқда қурбон.

Бомбай, Мадорасда одам тумонат,
Яратган бандаси мисли тупроқдир.
Очлик ҳар соння минг жонга офат,
Жизғанак кўчалар — шарқий қирғоқдир.

Ногоҳ, гумбурлайди Хайфон осмони,
Юрагим чангаллаб қолар бир аёл.
У шарқий соҳилнинг битта қурбони,
Тириклайин топган ёш жони завол.

Ҳамон қитъаларда йўқдир сукунат,
Ҳамон жабҳаларда уйғоқдир ғаним.
Жафокаш дунёда азалий қисмат,
Шарқий қирғоқдадир менинг ватаним.

Дунёда бор экан ноҳақлик, зулм,
Дунёда бор экан асорат, жафо,
Жангдамиз, бир бошда бор битта ўлим,
Шарқий соҳилларда жонимиз фидо.

Шоир! Эй, тинчимас оловли юрак!
Адолат юлдузи сенга маёқдир.
Ҳақ йўлда фидойи аскарсан демак,
Сенинг қароргоҳинг — шарқий қирғоқдир.

Зулм қўргонига қила бер ҳужум,
Билки, бизникидир ниҳоят зафар.
Дунёда бор экан энг сўнгги мазлум,
Шарқий соҳилларда ўчмас машъаллар.

Бу фильмни кўринг

Большевиклар

1919 йил. Француз қўшинлари томонидан босиб олинган Одесса шаҳри. Буржуйлар босқинчиларни улкан қувонч билан олқишлашади. Большевиклар Антанта солдатлари ичида революцион ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Шаҳар кўзғолонга тайёргарлик кўрмоқда. Сотқинлик оқибатида қаҳрамон-большевикларни қамашади ва ўлдиришади. Антанта қўшинлари эвакуация қилинади. Буларнинг ҳаммаси бирма-бир «Босқинчилик» номли бадиий фильмнинг дастлабки кадрларидаёқ намоён бўлади. Фильм революциямиз ҳақидаги картиналар ичида муҳим ўрин тутади. Картинанинг бадиий тили, образлар системаси, ҳикоя қилиш услуби, ҳатто актёрлар ижроси — буларнинг бари шартли бўёқларда берилган. Воқеа кескин бурилишларга бой, бир текисда давом этмайди. Қаҳрамонлар характери ҳар томонлама тадқиқ этилмайди, фақат бир жиҳати — у ҳам бўлса ёркин қирраси ёритилади.

Кинолента таниқли совет драматурги Лев Славин пьесаси асосида 1968 йилда яратилган. Фильм сценарийси ҳам унинг қаламига мансуб. Ўрни келганда шуни айтиш керакки, Л. Славин гражданлар уруши қатнашчиси; Улуғ Ватан урушн йиллари эса ҳарбий мухбир бўлган. «Босқинчилик» пьесасини 1933 йили ёзган. У қайта-қайта совет театри саҳналарида қўйилган. Драматург сценарийлари бўйича суратга олинган фильмлар ичида «Максимнинг қайтиши» ва «Иккинчи жанги» картиналари жуда машҳурдир.



Фильм режиссёри Геннадий Полока томошабинларга «ШКИД республикаси» фильми орқали яхши таниш дир.

Бош қаҳрамон большевик Воронов образини Владимир Висоцкий талқинида кўрасиз. Бу санъаткорни таништириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. У кинода қарийб 30 та роль ижро этган. Улар асосан иккинчи даражали персонажлардан иборат эди. Лекин В. Висоцкийнинг маҳорати туфайли уларнинг барчаси томошабин хотирасида ўчмас из қолдирган. Мазкур картинада яна бир бор унинг санъатидан баҳраманд бўласиз, ажойиб, оммабоп куй ва қўшиқлари юракларни ҳаяжонга солади. Шунингдек, фильмда Ю. Буригина, Г. Ивлиева, В. Буров ва бошқа актёрлар чиқишган. Картинани оператор В. Буркин «Ленфильм» киностудиясида суратга олган.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

СУРАТДА: фильмдан кадр.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

2—8 НОЯБРЬ

БУЮК ТАРИХИЙ ВОҚЕА

Бу ҳафтада бутун прогрессив инсоният Улуғ Октябрь революциясининг шонли 70 йиллигини нишонлайди. Бутуниттифоқ марказий телевидениеси ва Ўзбекистон телевидениеси шу ҳафтада намойиш қиладиган барча кўрсатувлари ана шу тарихий воқеанинг оламшумул аҳамияти ва Улуғ Октябрь туфайли мамлакатимизда эришилган мислсиз муваффақиятлар ҳақида ҳикоя қилади.

БУГУН

Бутуниттифоқ телевидениеси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети ва Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисини Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатмоқда. Бу кўрсатув айни пайтда Ўзбекистон телевидениесининг биринчи программаси орқали ҳам намойиш этиларди. Сиз томошабинлар 3 ноябрь куни ҳам Бутуниттифоқ марказий телевидениеси, Ўзбекистон телевидениеси орқали қўшма тантанали мажлиснинг давомини кўришингиз мумкин.

«БОЛЬШЕВИКЛАР»

Ўзбекистон радиосининг адабий-драматик эшиттиришлар бош редакцияси атоқли совет драматурги, СССР Давлат мукофотининг лауреати Михаил Шатровнинг «Большевиклар» пьесаси асосида тайёрланган янги радио спектаклини тингловчилар диққатига ҳавола қилади. Бу эшиттириш 8 ноябрь куни 1 программа орқали соат 15 дан 40 минут ўтганда тўлқин бўйлаб таралади.

Радиоспектаклдаги рус революционерлари Я. Свердлов, Н. Крупская, А. Луначарский, Бонч-Бруевич, Коллонтай, Цюрупа, Петровский ва бошқа атоқли кишиларнинг образларини республикамизнинг кўзга кўринган артистлари талқин этадилар.

МУЗИКАЛИ ПРОГРАММА

Ўзбекистон телевидениеси Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини тантанали равишда этувчи махсус музикали программа тайёрлади. Бу кўрсатувда республикамизнинг машҳур ижодий коллективлари — «Ялла» вокал-чолғу ансамбли ва «Лазги» вокал-хореографик ансамбли, шунингдек санъат усталари Саттор Ярашев, Муҳаббат Шамаева, Ғуломжон Ёқубов, Хайрулла Лутфуллаев, Малика Аҳмедова, Дилафрўз Жабборова, Феруза Солиҳова ва бошқа бир қатор истеъдод эгалари ўзларининг жозибали қўшиқ ва рақслари билан Улуғ байрам эгаларига завқ ва шавқ бахш этадилар.

«В. И. ЛЕНИН. ҲАЁТИ САҲИФАЛАРИ»

Марказий телевидение 7 ноябрь куни биринчи программа орқали соат 23 да намойиш қиладиган бу кўрсатуви ижодкорларининг Улуғ Октябрь байрамига атаб тайёрлаган яна бир янги асаридир. Бу фильмнинг режиссёри Виктор Лисакович. У янги кинолавҳанинг яратилиши ҳақида бундай дейди:

— Суратга олиш группамиз, — дейди режиссёр, — марксизм-ленинизм институтининг архивида сақланаётган ноёб материаллардан фойдаланиш бахтига муяссар бўлди. Ноёб кадрлар ёрдамида барҳаёт Ленининг тимсолини яратдик. Етмиш йил мобайнида сақланиб келинаётган энг сермазмун лавҳалар шу картинамизга киритилган. Биз ноёб лавҳаларни ғоятда синчковлик билан монтаж қилиб, уларни кўп сонли томошабинлар диққатига ҳавола этяпмиз.

НУРАФШОН ЙЎЛ

Тошкент шаҳар кинолаштириш бошқармаси Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб пойтахтимизнинг барча кинотеатрларида бадиий ва ҳужжатли фильмлар кўригини кенг кўламда ўтказмоқда. Томошабинлар 5—8 ноябрь кунлари пойтахт кинотеатрларида «Выборг томони», «Ташвишли тонг», «Совет Иттифоқининг элчиси», «Ленин томони», «Шошилинч, махфий...губчека га», «Поезд тўхтади», «Аср бошида», «Инглиз карабинидан отилдан ўқ», «Амирнинг ҳуфия саёҳати», «Ленин Париждa», «Милтиқли киши», «Николай Бауман» каби кўплаб фильмлар репертуардан муносиб ўрин олган.

АРХИТЕКТУРАМИЗ ЖОЗИБАСИ

Ўзбекистон ССР архитекторлар союзи правлениеси 1 ноябрдан 10 ноябргача республикамизда архитектура кунларини ўтказа бошлади.

Тошкент шаҳрида бўладиган тадбирлар архитекторлар союзи биносидан бошланади. Бу ерда Тошкент ва Самарқанд олий ўқув юртлари архитектура факультетларининг студентлари диплом ишлари — макетлари билан танишиш мумкин. Санъат саройи ҳам Тошкент шаҳрининг марказий қисми истиқболига бағишланган лойиҳалар билан диққатни жалб этади.

Кўҳна тарихга эга бўлган серқуёш диёримизнинг пойтахти Тошкентнинг қиёфаси кейинги йилларда жозибали бўлиб бормоқда. 1966 йил зилзиласидан кейин бир қатор гўзал кошоналар ва ижодий масканлар бинолари қурилдики, улар ўзининг архитектура кўриниши билан шаҳримизнинг довруғини ер юзига таратмоқда.

А. ПУЛАТОВ.



Ленинград манзаралари

Революция бешиги Ленинград шаҳри бугунги кунда ўз кўркн жамоли билан жаҳондаги энг гўзал шаҳарлар қаторида туради. Бу ерда кўплаб тарихий — революцион жойлар бор.

СУРАТЛАРДА: шаҳардаги Болтиқ вокзали; Исакиевский собори.

Ш. Иброҳимов фотолари.



Ўзбекистон—Польша: илм-фан интеграцияси

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси биоорганик химия институти билан Познань шаҳридаги Адам Мицкевич номли университет ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик ҳақида бевосита шартнома тузилди. Шунга кўра, Польша олимлари пахта тозалаш саноати чиқиндиларидан ҳамкасблари олаётган биологик актив моддаларни синчиклаб билан рентген-структура анализини ўтказадилар.

— Пахта чигитини қайта ишлаш вақтида йўл-йўлакай олинадиган маҳсулот — госсипол тадқиқотнинг бош объекти бўлади, — деди ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда биоорганик химия институти директорининг вазифасини бажарувчи А. А. Охунов.

Бу бирикма вирусга қарши яққол сезилиб турган хоссаларга эга. Госсипол асосида, жумладан, тана аъзоларини кўчириб ўтказишда қўлланиладиган бир қанча шифобахш препаратлар яратилган бўлиб, улар ишлаб чиқарилмоқда. Аммо Госсиполнинг имкониятлари кенг. Тадқиқотлар натижасида госсипол полимерок хусусиятларга эга эканлиги аниқланди, яъни бу бирикмада кристаллининг турли-туман формаларн мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирн муайян группадаги вирусларга таъсир ўтказишга қодирдир. Буларнинг айримлари СПИД касалини қўзғатувчи вирусга ҳам таъсир этишини истисно қилиб бўлмайди.

Қисқа муддатда госсиполнинг барча формаларини классификация қилиш, уларнинг микрокристалл структурасини аниқлаш лозим. Шу боисдан ҳам тажрибалн ва изтиёрида зарур ускунаси бўлган шерикlар керак бўлиб қолди. Республикадаги корхоналар ва илмий муассасаларнинг чет эллардаги ҳамкасблари билан бевосита алоқалар ўрнатишга актив ёрдам бериш мақсадида ўз фаолиятини қайта қураётган Ўзбекистон ССР савдо-саноат палатаси ўз зиммасига ана шундай шерикларни топиш вазифасини олди.

— Биргаликда бажариладиган иш, аввало, фундаментал характерга эгадир, — дейди спектроскопия бўйича Польшанинг етакчи мутахассисларидан бири, Познань университетининг профессори Стефан Пашиц. — Асосий бўғин бўлган фундаментал тадқиқотларсиз эндиликда янги дори-дармонларни жорий қилиб бўлмайди, халқаро бозорга ҳам чиқиб бўлмайди, чунки халқаро бозорда ҳар бир шифобахш воситанинг аниқ кристалло — график характерига эгадир, «паспорти» талаб қилинади. Кўпчилик мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган оддий аспирин шундан яққол далолат бериб турибди. Аммо ҳамма ерда истеъмолчилар, айтайлик, Швейцария аспирининн талаб қилмоқдалар, чунки формуласи ва тозалиги ўша-ўша бўлса ҳам, Швейцария аспирини яхшироқ таъсир этар экан. Бунда ҳамма гап полимерок хусусиятда, яъни бошқача кристалл структурасидадир...

Иккала мамлакат олимлари бу ишни уч йилда бажаришни режалаштирмоқдалар.



СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

Олтин тўйингиз муборак!

Ўзбек халқининг забардаст шоири Ғафур Ғулом умр дафтарини мазмунли сатрлар билан тўлдирувчи кишилар шаҳримизда кўплаб топилади, деб ҳақ гапни айтган эди. Биз бугун ана шундай инсонлардан бири, кўп йиллар давомида ҳалол ва самарали меҳнат қилиб, табаррук 80 ёшга етган шифокор Мухтор Акбаров ва унинг умр йўлдоши — 70 баҳорни кўрган Каримахон ая ҳақида сўз юритмоқчимиз. Улар 50 йил мобайнида бирга умр кечирган, 6 фарзанднинг ота-онасидирлар.

Мухтор Акбаров. 1907 йилнинг ноябрь ойида Тошкентнинг Каттабоғ маҳалласида ойнакаш оиласида таваллуд топган. Унинг болалик чоғи юпунлик, қашшоқликда ўтди. Серфарзанд оиланинг бошлиғи Одил аканинг топган-тутгани рўзғор тебратишга зўрға етарди.

Шифокор Мухтор ака бахтини Октябрь социалистик революциясидан кейин меҳнатда топди. У аввало меҳрини ўқишга қўйди. 1925 йилда Бешёғоч даҳасидаги «Учқун» мактабини битиргач, Йўлдош Охунбобоев номидаги медицина билим юртига ўқишга кирди ва 1929 йили уни имтиёзли диплом билан тугатиши Тошкент медицина институтида ўқишни давом эттиришга катта йўл очиб берди. У институтни тугаллагач, 1933 йилда Тошовуздаги (Туркманистон ССР) 11-поликлиникага катта врач бўлиб борди ва бу ерда қарийб беш йил хизмат қилди.

Мухтор Акбаров 1938 йилда Тошкентга қайтиб, шаҳардаги 5-поликлиникада бош врач, сўнгра Октябрь районида соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири лавозимида ишлади.

Улуғ Ватан уруши бошланганида Мухтор Акбаров Киров район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири эди. У кўплар қатори Ватан ҳимоясига отланди, 1941 йилнинг август ойидан 1945 йилнинг август ойигача Улуғ Ватан уруши фронтининг олдинги марраларида бўлди. Жанубий-ғарбий фронт қисмларида ҳарбий врач бўлиб хизмат қилди. Юзлаб, минглаб яралорларга биринчи ёрдам кўрсатиб, уларни қайта сафга киритди. Жуда кўп собиқ жангчилар ҳар байрамда Мухтор Акбаровга табрикнома йўллайдилар. Бундан икки йил бурун, буюк ғалабанинг 40 йиллиги арафасида Мухтор Акбаровга қашқадарёлик собиқ жангчи Саъдулла Абдуллаев юборган табрикномасида шундай деб ёзади:

— Муҳтарам Мухтор ака! Аввало сизни улуғ Ғалаба байрамининг шонли 40 йиллиги билан табриклайман. Сизга минг раҳмат! Менга қайта ҳаёт бағишлагансиз. Урушдан соғ-саломат қайтдим. Бола-чақаларим оғушидаман. Мени даволаб, қайта сафга қайтарганингизни сира унутмайман. Касбу-корингизга барака тилайман». Бундай хатлар даста-даста...

Мухтор Акбаров Ватанимизнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларини босқинчилардан озод қилишда актив қатнашди, Совет Армиясининг ҳалоскорлик жангларида фидойилик кўрсатди. Будапешт, Вена шаҳарларини душмандан озод этишдаги жасурлиги учун Олий Бош қўмондонлик унга ташаккур билдирди.

Мухтор Акбаров 1945 йилнинг октябрь ойида буюк Ғалаба, ёруғ юз билан она шаҳри — Тошкентга қайтди. У ўзи севган касби — шифокорликни яна давом эттирди. Аввало тез ёрдам клиник касалхонасида, сўнгра шаҳардаги 1—3 ва 8-касалхоналарда кўп йиллар давомида бош врач бўлиб ишлади.

Ҳозир Мухтор Акбаров пенсияда. Лекин у шифокорлик касбини тарк этгани йўқ. Ўзи истиқомат қилаётган Каттабоғ ва унга ёндош бўлган маҳаллаларда касалликнинг олдини олиш, саломатликни муҳофаза қилиш мавзуларида лекция ўқийди, суҳбатлар ўтказади, керак бўлганда амалий медицина ёрдами кўрсатади.

Партия ва ҳукуматимиз Мухтор Акбаровнинг кўп йиллик самарали хизматларини муносиб тақдирлади. Унинг кўксини II даражали Ватан уруши ордени, Қизил Юлдуз ордени ва жуда кўп медаллар безаб турибди. М. Акбаров «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвонига эга. У «В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги» медали билан мукофотланиб, унинг номи Шуҳрат китобига ёзилган.

Мухтор Акбаровнинг рафиқаси Каримахон ҳам врач. У 1941 йилда Тошкент медицина институтини битиргач, Улуғ Ватан уруши давомида госпиталда хизмат қилди. Урушдан сўнг 35 йил давомида 6-поликлиникада врач бўлиб ишлаб, яқинда пенсияга чиқди.

— Бизнинг оиламиз учун август ойи шарафли ой ҳисобланади, — дейди М. Акбаров. Боисини сўраганимизда: — 1939 йилнинг августида партия сафига ўтдим. 1941 йилнинг августида Ватанимиз ҳимоясига жўнадим. 1987 йилнинг август ойида турмуш ўртоғим Каримахон пенсияга чиқдилар. Шунга кўра биз бу ойни қадрлаймиз.

— Фарзандларингиз камоли ҳақида ҳам бир-икки оғиз сўзлаб бероласизми? — сўрадик М. Акбаровдан.

— Албатта, — деб сўзини давом эттирди у. — Биз Каримахон билан уч ўғил, уч қиз ўстирдик. Ўстирдикгина эмас, уларни камолга етказдик.

Кўриниб турибдики, 80 ёшни кўрган Мухтор ака, 70 баҳорни кўрган Каримахон аялар ўзларининг 50 йиллик биргаликдаги умрлари давомида азиз, меҳрибон шифокор сифатида эл-юртга танилганлар. Ҳа, яхши фазилат мазкур оиланинг руҳига чуқур сингиб кетган.

Яқинда Мухтор ака билан Каримахонларнинг олтин тўйи бўлади. Биз уларга олтин тўйингиз муборак бўлсин, деймиз.

Лутфулла ҲАМРОЕВ,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

Тарихнинг ўчмас саҳифалари

Узоқни яқин этган

Кўҳна ва навқирон Тошкентимизда транспортнинг энг оммавий турлари — трамвай, троллейбус ва метро қатнови ҳар бир оқшомхонни қизиқтиради, албатта. Қуйидаги мақолада Улуғ Октябрь социалистик революциясигача ва ундан кейин шаҳримизда трамвай ва троллейбус қатновининг ривожланиши ҳақида маълумот берилди.

Ўрта Осиёда саноатнинг бир мунча ривожланиши ва аҳолининг ўсиши туфайли XIX аср охирларидан эътиборан, транспорт воситалари шаҳар ҳаётида муҳим роль ўйнай бошладн.

1896 йил 18 ноябрда «Тошкент трамвайи» жамияти ташкил топди. Бу жамият Белгияга қарашли бўлиб, унинг вазифаси шаҳарда пассажир ва юк ташийдиган темир изли кўнка қуришдан иборат эди. Бу иш деярли беш йил давом этди.

Ниҳоят, 1901 йил 30 мартда тошкентликлар кўнкага тушишга муяссар бўлишди.

Дастлаб кўнка ҳозирги Пролетар кўчасидан то Хадрагача ҳамда Будённий кўчасидан Дархонгача бўлган никита маршрутда ҳаракат қилди. 11 километрли бу маршрутларда 30 та кўнка вагони ҳамда 288 та от хизмат қилди. Бельгиядан келтирилган вагонлар, асосан, ёғочдан ишланган бўлиб, 24 та пассажирга мўлжалланганди. Бу транспорт воситаси, бир қанча камчиликларига қарамасдан, ўз даври учун муҳим янгилик бўлиб, аҳолининг йироғини бир мунча яқин қилди.

Кўп ўтмай Россияда электр транспортининг жадал ривожланиши Тошкент шаҳрида кўнкадан электр трамвайга ўтиш ишига катта туртки бўлди. 1907 йили 18 сентябрда бельгияликлар билан кўнкадан электр трамвайга ўтиш тўғрисида шартнома тузилди. Бельгиядан Тошкентга 50 та моторли ва 20 та прицепли вагонлар келтирилди.

1912 йил 30 декабрда Тошкентда биринчи электр трамвай юрди.

Совет ҳокимияти йилларида шаҳар транспортн жадал тараққий эттирилди. Айниқса, кейинги йилларда Тошкент территориясининг кенгайиши, турар жойларнинг иш жойларидан узоқлашуви туфайли транспорт воситасига бўлган талаб ниҳоятда кучаяди. Бу масалани ҳал этишда электр транспортининг бошқа тури — троллейбуснинг ишга туширилиши катта аҳамият касб этди.

Тошкентда биринчи троллейбус 1947 йил 5 ноябрь куни Вокзал — Эскижўва маршрутида ишга туширилди. Шундан кейин янги-янги маршрутлар барпо қилина бошланди.

Бугунги кунда шаҳримиздаги трамвай йўлларининг умумий узунлиги 233,2, троллейбус линияси 228 километрдан ортиқни ташкил этади. Бу линияларда 28 трамвай ва 18 троллейбус маршрутлари бўйлаб 328 дан ортиқ трамвай вагонлари ҳамда 300 дан ортиқ троллейбус ҳаракат қилмоқда. Булар ёрдамида кунига 800 мингдан зиёд пассажир ташилмоқда.

1977 йил 6 ноябрда Тошкентда метрополитеннинг биринчи навбати ишга туширилди.

Шу тариқа, Тошкент трамвайн от билан юрадиган эски кўнкадан замонавий электр транспортигача бўлган узоқ йўлни босиб ўтди. Ҳозирги пайтда Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси коллективи шаҳар транспортини янада ривожлантириш, линияларни кенгайтириш соҳасида катта ишлар қилмоқда.



А. Ёқубов фотоси.

Ҳаракат—ҳаёт чироғи

Ҳаммага манзур машғулот

Бутун жамиятимиз ҳаётида қайта қуриш ишлари олиб борилмоқда. Бу ўзгариш шаҳар физкультура ва спорт комитетида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Штатсиз мухбиримиз М. Ғайбуллаев шаҳар физкультура ва спорт комитетининг раиси А. Лукин билан учрашиб, ундан республикамиз пойтахти меҳнаткашларининг саломатлигини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган қандай тадбирлар ўтказилаётганлиги ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Ҳозир 50 ёшга тўлганлар бундан 15—20 йил муқаддам волейбол энг оммавий спорт тури бўлганлигини яхши эслашади. Ўшанда махсус жиҳозланган майдончалар, комплекслардагина эмас, боғларда, хиёбонларда, турар жой биноларининг олдида, ётоқхоналарнинг олдида волейбол ўйнашарди. Оддий, айни пайтда кишиларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган волейбол ўйини ҳаммани қизиқтиради. Майдончадагилар қаторида болалар, ўрта ёшли ишчи ва хизматчилар, кексаларни ҳам учратиш мумкин эди.

Тўғрисини айтганда кейинги пайтда бирданига волейболга бўлган қизиқиш сўниб қолди. Бунга спортнинг янги турлари пайдо бўлганлиги сабаб бўлди. Ёшларнинг кўпчилиги баскетбол, футбол билан шуғуллана бошладилар. Ниятимиз волейболнинг аввалги шуҳратини тиклаш ва уни яна спорт майдончасига қайтаришдир. Шу ниятда физкультура ва спорт комитети ўрта ва кекса ёшдагилар командалари ўртасида расмий волейбол мусобақасини ташкил этишни режалаштирмоқда. Бундай мусобақаларни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад группа ва секцияларнинг фаолиятини уйғунлаштириш, шунингдек турли тоифадаги меҳнаткашларни волейбол билан шуғулланишга шароит яратишдир. Мусобақада қатнашган кишилар ўз саломатликларини мустаҳкамлашга эришишлари асосий ютуқ бўлади.

Ўйинлар турнир қатнашчиси бўлган командаларнинг майдонида ўтказилади. Кейин улар рақиб команда майдонида такрорий учрашув ўтказишади. Мусобақаларни пахта йиғим-терим мавсуми якунланганидан кейин, яъни ноябрь ойининг охирларида бошлашни мўлжаллаб турибмиз. Ғолиб ва совриндорлар 1988 йилнинг январь ойида маълум бўлади. Мусобақаларга шаҳар физкультура ва спорт комитети томонидан тайинланган судьялар раҳбарлик қилишади. Учрашув муддати беллашадиган командаларнинг келишуви билан бир ҳафта олдин белгиланади. Бу муддат айни пайтда судьяларга ҳам хабар қилинади.

Волейбол бўйича ўтказиладиган бу ўзига хос шаҳар биринчилигининг шарт-шароитлари ҳақида ҳам тўхталб ўтиш жоиздир. Ҳар бир учрашув уч ўйиндан иборат бўлади. Майдонда «Олтига олти» ёки «Учга уч» усулига амал қилинади. «Олтига олти» учрашувлари уч партиядан иборат бўлади. Бу усулда ғолиб чиққанларга якки очко берилади. «Учга уч» усулида ўтказилган мусобақада ғолиб чиққанларга бир очко берилади. Командаларнинг эгаллаган ўрни уларнинг тўплаган очколарига қараб белгиланади.

Мусобақаларда эркаклар, аёллар командалари иштирок этишлари мумкин. Беллашувларда қатнашиш амалдаги тартиб бўйича расмийлаштирилади. Физкультура коллективларининг мутасадди ходимлари шаҳар спорт комитетининг спорт ўйинлари бўлимига қўнғироқ қилиб беллашувларда иштирок этишга рухсатнома олишлари мумкин. Бўлимга 41-83-39, шунингдек, 41-13-34 телефонлари орқали қўнғироқ қилиш мумкин.

Асосий мақсад — барча ёшдаги шаҳар аҳолисини спорт майдонига жалб қилиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга эришишдир.

Музей янгиликлари

Хитой рассоми ҳақида суҳбат

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг хорижий Шарқ мамлакатлари санъати бўлимидан Хитой санъати намуналари ўрин олган. Асарлар орасида XV асрда ижод қилган рассом Ци Байши ижод мактаби санъат мухлислари эътиборини тортиб келарди. «Қисқичбақалар» номли манзара асарда Ци Байшининг рассомлик услуби, таълимоти ўз аксини топган.

Музейнинг илмий ходими, санъатшунос Раъно Каримова рассом Ци Байши ҳаёти ва ижодини ўрганиб, у ҳақда суҳбат тайёрлади.

Куни-кеча санъатшуносниинг ана шу мавзудаги суҳбати санъат мухлисларига манзур бўлди.

Рассом Ци Байши мўйқаламида жонланган табиатнинг сўлим манзараси, сайроқи қушлар, гуллар ва одамларнинг беғубор қиёфаси ҳаммага завқ беради.

М. АҲМЕДОВ.
Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи ходими.

Ранг-баранг олам

ТОҒДАГИ РЕСТОРАН

Дунёдаги энг баланд ресторан Швейцариянинг 4600 метрлик Юнг-Фрау тоғида қурилди. Рестораннинг ёнгинасида меҳмонхона қурилади. Ишлар эҳтиётқорлик билан олиб борилмоқда. Ҳамма электр аппаратлари кучли ёнғинга қарши қурилмалар билан тузилган. Агар ёнғин чиқиб ё ресторан, ё меҳмонхона ёнса ёнғин машиналари бундай тепаликка чиқолмайди-да. Алоҳида системалар комплекси қаттиқ шамоллардан сақлаб туради. Меҳмонлар бу антиқа жойга осма йўл билан чиқадилар.

ТИЛ ВА ШЕВАЛАР

Француз филолог олимларининг текширишлари шуни кўрсатадики, ҳозир дунёда 5651 тил ва шева бор экан. Шулардан 500 га яқини чуқур ўрганилган, 1400 тил эса, «ўлиб» бораётган ҳисобланмоқда, чунки шу тилларда йил сайин кам гапириляпти,

● Дунёдаги энг оғир курашчи Уильям Коббдир. Унинг оғирлиги 375 килограмм. Лекин бахтга қарши юраги ҳуруж қилди. Энди у ошираётган оғирлигини камайтиришга киришди.

Файзулла ИСМОИЛОВ тайёрлаган.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

ШАҲАР КИНО ТЕАТРЛАРИ ВА САРОЙЛАРИ ЭКРАНЛАРИДА

ЎЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БАДИИЙ ВА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР ТЕМАТИК НАМОЙИШИНИ ЎТКАЗАДИ.


БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МОСКВА» КИНОТЕАТРИДА
3-4 ноябрда — **Фақат мен биламан.**
5-6 ноябрда — **Ноқулай одам.**
7-8 ноябрда — **Қирқ биринчи йил.**
«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА
4-5 ноябрда — **Мана менинг қишлоғим.**
6-7 ноябрда — **Юбилейни қолдириб турамиз.**
8 ноябрда — **Февраль шамоли.**
«ВАТАН» КИНОТЕАТРИДА
4-5 ноябрда — **Совет Иттифоқи элчиси.**
6-7 ноябрда — **Марҳумнинг мактублари.**
8 ноябрда — **Шорс.**
ЛИСУНОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
3-5 ноябрда — **Вазифасини бажараётганда ўлдирилган.**
5-6 ноябрда— **Анорзор оролларда.**
«ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА
2-3 ноябрда — **Ленин ҳузурига.**
5-6 ноябрда — **Йўл ҳақи.**
7-8 ноябрда — **Кичик бир шаҳарчада.**
ҲАМЗА НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
4-5 ноябрда — **Поезд келиб тўхтади.**
6-7 ноябрда — **Дублёр ҳаракат қила бошлади.**
8 ноябрда — **011 номерли бадарға қилинган.**
«НУКУС» КИНОТЕАТРИДА
3-4 ноябрда — **Шошилинч... маҳфий.. губчека.**
5-6 ноябрда — **Қизил ўқ.**
7-8 ноябрда — **Потапов ҳаётидан.**
«ВЛКСМ 30 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА
3-4 ноябрда — **Ишонч.**
5-6 ноябрда — **Европа тарихи.**
«ВОСТОК» КИНОТЕАТРИДА
5-6 ноябрда — **Горгонанинг боши.**
7-8 ноябрда — **Паролни ҳамма билар эди.**
К. ЕРМАТОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
7 ноябрда — **Ишонч, Умид, Севги.**
«ҚОЗОҒИСТОН» КИНОТЕАТРИДА
7-8 ноябрда — **Ташвишли тонг.**
«ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА
7-8 ноябрда — **Виборг томонда.**
ТЕМИРИЙЛЧИЛАР МАДАНИЯТ УЙИДА
3 ноябрда — **Ленин Парижда.**
6 ноябрда — **Аппоссионата.**
«СРЕДАЗКАБЕЛЬ» МАДАНИЯТ УЙИДА
4 ноябрда — **Потёмкин броненосеци.**
6 ноябрда — **Ленин Парижда.**
«ЗВЕЗДА ВОСТОКА» КЛУБИДА
3 ноябрда — **Чичерин.**
4 ноябрда — **Николай Бауман.**
5 ноябрда —**Ҳур қизлар.**
6 ноябрда — **Паролни икки киши билар эди.**
Ғ. ҒУЛОМ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
7-8 ноябрда — **Амирнинг ҳуфёна сафари.**
С. РАҲИМОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
7-8 ноябрда — **Инглиз карабинининг уч гильзаси.**
«ЯНГИОБОД» КИНОТЕАТРИДА
7-8 ноябрда — **Ўртоқ Арсений.**
«ТИНЧЛИК» КИНОТЕАТРИДА
7-8 ноябрда — **Владивосток, 1918 йил.**
«МИР» КИНОТЕАТРИДА
7-8 ноябрда — **26 Боку комиссари.**

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«МОСКВА» КИНОТЕАТРИДА
2-3 ноябрда — **«Бўйсунмаганлар»нинг набиралари.**
4-6 ноябрда — **Съезд делегати Дмитрий Ульянов.**
7-8 ноябрда — **Ленин Горкаси.**
«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА
2-3 ноябрда — **Ленин. Аниқ мақсад.**
4-6 ноябрда — **Марксниинг вильнюслик дўсти.**
7-8 ноябрда — **Ленин Енисейда.**
ЛИСУНОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
2-3 ноябрда — **Флотга қўмондонлик қиламан. Шмидт.**
4-6 ноябрда — **Бизлар бахтиёр эдик.**
7-8 ноябрда — **Дивизия бошлиғи Дмитрий Жлоба.**
«ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА
2-3 ноябрда — **Съезд делегати Дмитрий Ульянов.**
4-6 ноябрда — **Ленин Горкаси.**
7-8 ноябрда — **«Бўйсунмаганлар»нинг набиралари.**
«НУКУС» КИНОТЕАТРИДА
2-3 ноябрда—**Дивизия бошлиғи Александр Пархоменко.**
4-6 ноябрда —**Николай Бауман. Касби—революционер.**
7-8 ноябрда — **Финляндия мамлакати эслайди.**
«ВЛКСМ 30 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА
2-3 ноябрда — **Ленин. Аниқ мақсад.**
4-6 ноябрда — **Марксниинг вильнюслик дўсти.**
7-8 ноябрда — **Кржижановский.**
«ФЕСТИВАЛЬ» КИНОТЕАТРИДА
2-3 ноябрда — **Бу ерда Ленин яшаган ва ишлаган.**
4-6 ноябрда — **...Ва биз Россияни ағдар тўнтар қилиб юборамиз!... УЛЬЯНОВ.**
7-8 ноябрда — **Флотга қўмондонлик қиламан. Шмидт.**
«ЎЗБЕКИСТОН ССР 25 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА
2-3 ноябрда — **Пермяков. Қишлоқ Совети.**
4-6 ноябрда — **Бу ерда Ленин яшаган ва ишлаган.**
7-8 ноябрда —**...Ва биз Россияни ағдар-тўнтар қилиб юборамиз!... УЛЬЯНОВ.**
«ҚОЗОҒИСТОН» КИНОТЕАТРИДА
2-3 ноябрда — **Марксниинг вильнюслик дўсти.**
4-6 ноябрда — **Бир телеграмма тарихи.**
7-8 ноябрда — **Флотга қўмондонлик қиламан. Шмидт.**
«ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА
2-3 ноябрда — **Кржижановский.**
4-6 ноябрда — **Бригада командири Боженко.**
7-8 ноябрда — **Ленин. Аниқ мақсад.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА



Москва цирки артистларининг гастроллари

ПРОГРАММАДА — «ЭКЗОТИК ҲАЙВОНЛАР КАРНАВАЛИ» ИЛК АТТРАКЦИОНИ

Бадиий раҳбар ва ҳайвон ўргатувчи—Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган артистка ЖАМИЛА ШИРВОНИЙ.

ҚАТНАШАДИЛАР: **ўргатилган Африка бегемотлари, Америка ламалари, шотланд пакана отлари, маймунлар, бўрилар, тулкилар, пушти ранг пеликанлар, улкан кенгурулар.**

Томошалар: соат 19.30 да; шанба куни — соат 16 ва 19.00 да; якшанба куни—соат 12.00, 15.00, 18.00 бошланади.

5 ноябрдан 10 ноябргача томошалар: соат 13, 16, 19.00 да бошланади.

Олдиндан билетлар сотиш кассалари очиқ.

Кассалар дам олиш кунисиз соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Коллектив заявкалар навбатдан ташқари қабул қилинади.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-91 — касса; 44-35-84 — администратор.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ Ўзбек ДАВЛАТ АКАДЕМИК Драма ТЕАТРИДА — 3/XI да Эзоп нисо.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ Ўзбек ДАВЛАТ МУЗЫКА ТЕАТРИДА — 2/XI да Отелло

Кино

2 НОЯБРДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «БОСҚИНЧИЛИК», «ХАВФЛИ ГАСТРОЛЛАР» (17, 20.00), «СЕВГИ АФСОНАСИ» (17, 19.30).

Чайка — «БОСҚИНЧИЛИК» (19.00), «КАРНАВАЛ» (11, 21.00).

Ватан —«ҚАЛЛОБ ИЗЛАЙМАН» (жуфт соатларда).

Нукус — «ҚЎЛГА ТУШМАС ҚАСОСКОРЛАР (17, 20.00), «ЗЎР УТИРИБМИЗ» (ўзбек тилида, 19.00).

Қозоғистон —«ҚАЛЛОБ ИЗЛАЙМАН» (17, 18.30, 20.00); «ЭҲТИЁТ БЎЛ, ИЛОНЛ» (ўзбек тилида, 17, 20.00 да).

Москва — «АКЦИЯ» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «РОБИН ГУДНИНГ ЛАРИ» (16, 19.30); «ҚЎЛГА ТУШМАС ҚАСОСКОРЛАР» (18, 21.00).

Дружба — «ҲАММА ГАП КИШИГА ҚАРШИ» (17, 20.00); «АКЦИЯ» (18, 21.00).

Восток — «ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИ ШИМНИ ИЗЛАЙМАН» (16, 20.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЙЎЛДОШИМНИ ИЗЛАЙМАН» (жуфт соатларда).

Ўзбекистон ССР 25 йиллиги —«АКЦИЯ» (тоқ соатларда).

Лисунов номли— «ПРИЧАЛАР» (тоқ соатларда).

Искра —«КУРЬЕР» (14, 16.00), «ЮЛДУЗ ЎЗГЛМАС ОСОНМИ?» (17.30, 20.00).

М. Шайхзода номли — «СЕВГИ АФСОНАСИ» (ўзбек тилида, 11, 13.30, 16, 20.45).

Ҳамза номли — «ДЕВДАН САДО» (12, 14, 16, 20.00).

Янгиобод — «ҚУЛОҒИМ» (жуфт соатларда).

3 НОЯБРДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «БОСҚИНЧИЛИК», «ХАВФЛИ ГАСТРОЛЛАР» (11, 14, 17, 20.00), «СЕВГИ АФСОНАСИ» (12, 14.30, 19.30).

Чайка — «БОСҚИНЧИЛИК» (11, 19.00), «КАРНАВАЛ» 16, 21.00).

Ватан —«ҚАЛЛОБ ИЗЛАЙМАН» (жуфт соатларда).

Нукус — «ҚЎЛГА ТУШМАС ҚАСОСКОРЛАР» (11, 13, 20.45); «ЗЎР УТИРИБМИЗ» (ўзбек тилида, 15, 19.00).

Қозоғистон —«ҚАЛЛОБ ИЗЛАЙМАН» (11, 12, 13 14, 17, 20.00); «ЭҲТИЁТ БЎЛ, ИЛОНЛ» (ўзбек тилида, 17, 20.00 да).

Москва — «АКЦИЯ» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «РОБИН ГУДНИНГ ЛАРИ» (12, 16, 19.30); «ҚЎЛГА ТУШМАС ҚАСОСКОРЛАР» 14, 18, 21.00).

Дружба — «ҲАММА ГАП КИШИГА ҚАРШИ» (14, 20.00); «АКЦИЯ» (10, 14, 21.00).

Восток — «ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИ ШИМНИ ИЗЛАЙМАН» (16, 20.00); «ШАҲРИЗОДА ЯНГИ ЭРТАКЛАРИ» (11, 13

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЙЎЛДОШИМНИ ИЗЛАЙМАН» (жуфт соатларда).

Ўзбекистон ССР 25 йиллиги —«АКЦИЯ» (тоқ соатларда).

Лисунов номли— «ПРИЧАЛАР» (тоқ соатларда).

Искра — «КУРЬЕР» (12, 16.00), «ЮЛДУЗ ЎЗГМАС ОСОНМИ?» (17.30, 20.00).

М. Шайхзода номли — «СЕВГИ АФСОНАСИ» (ўзбек тилида, 11, 13.30, 16, 20.45).

Ҳамза номли — «ДЕВДАН САДО» (12, 14, 16, 20.00).

Янгиобод — «ҚУЛОҒИМ» (жуфт соатларда).

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА

Октябрь районидаги халқ депутатлари Ленинград проспекти «Г» уйда (шимолий-ғарбий томонда)

ЯНГИ 80-ҚАБУЛ ПУНКТ-МАГАЗИНИ ОЧИЛДИ

Қабул пункт-магазинида Брэдберининг «Абадий совуқ-саргардонлик ва бахт ҳақида», «Ҳикоялар» китобларига абонементлар мавжуд.

Тошкент шаҳар ширкат чиқариш-тайёрлов корхонаси (телефон 48-04-93).

Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакциясининг лектории илмий муҳаррир М. Қосимовага онасининг

Ҳадича САЛИМЖОНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет ва халқ контроли — 33-08-74; саноат, транспорт ва алоқа — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39; капитал қурилиш — 32-55-39; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик оммавий секторлари — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва одамларни қабул қилиш — 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42. «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 09125. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. [График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим]. Б. 2501. Тираж — 75.131. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10